



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 50-59 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ КАМБАҒАЛЛАШУВИНИ КАМАЙТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ.



**Баев Хабибулла Исмаилович**

ТДИУ профессори, иқтисод фанлари доктори.

**Адилов Шерзот Шамильевич**

ТДИУ тадқиқотчиси.

**Аннотация:** Ўзбекистонда аҳоли камбағаллашувини камайтиришда кичик бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги мақолада: Жаҳондаги глоб муаммолардан бири “камбағаллик” ҳақида фикр юритилган. Дунёдаги ҳамма мамлакатларда камбағаллик турли даражада мавжудлиги унинг келтириб чиқарадиган сабаблар кўрастиб берилган. Камбағалликдан қутулиш учун аввало аҳолини иш билан таъминлаш, кичик бизнес корхоналарини бутун имкониятлар билан кўпайтириш орқали ишсиз аҳолини иш билан таъминлаб, аҳолини бизнес билан шуғулланишига давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, молиявий ёрдамларни кўрсатилиши жуда жуда муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар таркибидаги ўзгаришлар кўрсатилган. Мақолада хорижий мамлакатларни бизнесни ривожлантириш бўйича тажрибасидан фойдаланишда АҚШ, Франция, Япония, Голландия, Жанубий Корея, Хитой тажрибасидан фойдаланиш бўйича ғоялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Камбағаллик, қашшоқлик, камбағаллашув, муҳтожлик, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”, камбағаллик чегараси, ўрта даромадли, моддий аҳвол, тўйиб овқатланмаслик, доимий камбағаллик, вақтинча камбағаллик, трансфертлар, хусусий тадбиркорлик, преференциялар, мулк дахлсизлиги, мувозанатли муносабатлар.

**Abstract:** In the article on the problems of improving small business financing to reduce population impoverishment in Uzbekistan, one of the global problems in the world, "poverty", is discussed. Poverty exists in different levels in all countries of the world and its causes are given. In order to get rid of poverty, first of all, it is necessary to provide employment to the population, to provide employment to the unemployed population by increasing small business enterprises with all the possibilities, it was shown that it is very important to provide legal, economic, organizational, and financial assistance by the state to people doing business. Changes in the composition of incomes in the market economy are indicated. In the article, ideas on using the experience of the USA, France, Japan, Holland, South Korea, and China in using the experience of foreign countries for business development are put forward.

**Key words:** Poverty, poverty, impoverishment, need, "Women's Notebook", "Youth Notebook", "Iron Notebook", poverty line, middle-income, financial situation, malnutrition, chronic poverty, temporary poverty, transfers, private entrepreneurship, preferences, property integrity, balanced relationships.

**Аннотация:** В статье, посвященной проблемам совершенствования финансирования малого бизнеса в целях сокращения обнищания населения в Узбекистане, рассматривается одна из глобальных проблем в мире – «бедность». Бедность существует на разных уровнях во всех странах мира и указаны ее причины. Избавиться от бедности, прежде всего, обеспечив занятость населения, показано, что очень важно оказать правовую, экономическую, организационную и финансовую поддержку населения путем обеспечения занятости безработного населения за счет увеличения предприятий малого бизнеса со всеми их возможностями. Было показано, что очень важно оказывать юридическую, экономическую, организационную и финансовую помощь со стороны государства людям, занимающимся бизнесом. Обозначены изменения в составе доходов в рыночной экономике. В статье выдвигаются идеи по использованию опыта США, Франции, Японии, Голландии, Южной Кореи и Китая для развития бизнеса.

**Ключевые слова:** Бедность, бедность, обнищание, нужда, «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь», «Железная тетрадь», черта бедности, средний доход, финансовое положение, недоедание, хроническая бедность, временная бедность, трансферты, частное предпринимательство, преференции, целостность собственности, сбалансированный отношения.

### Кириш

Жаҳондаги энг глобал муаммолардан бири “камбағаллик” ва “қашшоқлик” ҳисобланади, бунинг учун мамлакатда кичик бизнесни ривожлантириш ҳаётий заруриятга айланганлиги ҳаммага маълумдир. Дунёдаги ҳамма давлатларда аҳолини камбағаллашувини олдини олиш, аҳолини моддий ёрдамга муҳтож табақаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иқтисодий қийинчиликка дуч келмоқдалар. Жаҳонда 8 млрд. аҳоли истиқомат қилаётган ҳозирги кунда дунё микёсида 840 млн. кишидан ортиқ аҳоли кунига 1,25 АҚШ долларида озроқ маблағга яшаб келмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли камбағаллашувини камайтиришда кичик бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш муаммолари ечиш ҳозирги кундаги долзарб вазифа эканлиги катта аҳамият касб этади.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда ҳам бозорни салбий таъсирдан аҳолини моддий ёрдамга муҳтож эҳтиёжман табақаларини ижтимоий ҳимоялаш давлатни марказлашган молиявий тизимида молиявий маблағлар ажратиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш амалга оширилаётганлиги “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” ларини жорий этилиши орқали камбағалларга молиявий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай мамлакатимизда аҳолини 15 фоизи камбағал деб тан олинди.


Мамлакатимизда камбағаллик муаммоси энг оғир бўлган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, аҳолини умумий сонидан камбағаллар сони йил сайин ошиб келаётганлиги аниқланди.

**Жаҳон банки томонидан 2024 йил 9 майда “Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш йўли: халқаро таққослаш дастури хулосалари” ҳисоботи эълон қилинган.**

Унда Ўзбекистонда 2015 – 2022 йилларда камбағаллик даражаси 2 баробарга қисқаргани, Европа ва Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори натижага эришган мамлакатлардан бири экани қайд этилган.

Бунда ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кирувчи давлатлар учун фойдаланиладиган халқаро камбағаллик чегараси бўйича Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2015 йилдаги 35,9 фоиздан 2022 йилда 17,3 фоизгача пасайиб, 5,1 миллион аҳоли камбағаллик ҳолатидан чиқарилган.


Бунинг диққатига қуйидагича:



### **3-rasm. 2017-2023-yillarda o'rtacha oylik ish haqi miqdori va kreditlar dinamikasi**

Шу билан бирга, ҳисоботда миллий камбағаллик чегараси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизгача пасайгани таъкидланган. Жумладан, 2021-2023 йилларда қишлоқ жойларида 1,2 миллион аҳоли ва шаҳарларда 400 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилган.

Ўз навбатида, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иқтисодчилари томонидан камбағалликнинг қисқариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотлар таҳлил қилинди. Хусусан, 2015-2023 йилларда уй хўжаликлар сони 6,2 миллиондан 7,3 миллионга етганига қарамасдан 2015 йилда 10 та уй хўжалигидан 4 тасида автомобиль бўлган бўлса, 2023 йилда мазкур кўрсаткич 6 тагача етди.



**1b-rasm. Milliy kambag'allik chegarasi (MIX) bo'yicha O'zbekistonda kambag'allik darajasi, foizda**

Шунингдек, ички бозорда сотилган янги енгил автомобиллар сони 2015-йилдаги 186 мингдан (маҳаллий и/ч – 178,4 мингта; импорт – 7,2 минг) 2023-йилда қарийб 500 мингтага (420 мингта; 80 мингта) етди. 2017-2023-йилларда 419 мингта фуқарога 67 трлн сўмлик ипотека кредитлари ажратилиб, жами 358 мингта квартиралик янги кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 1991-2016 йилларда 105 мингта квартирали кўп қаватли уйлар қурилган. 100 та уй хўжалигига тўғри келадиган кондиционерлар сони 2015 йилдаги 32 тадан 2023 йилда 47 тага етган. Бунда ўсиш 47 фоизни ташкил этади. Компьютерлар 47 тадан 66 тага (40%) ва чанпютгичлар 53 тадан 71 тага етди (34%).

Агар дунё миқёсида камбағаллик бўйича эълон қилинган маълумотларга назар ташласак, дунёнинг 54 мамлакатада оилаларни моддий аҳоли даражасининг пасайиши кузатилган, жаҳондаги 20 тадан ортиқ давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналмоқда, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқарган, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 млн. дан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Дунёда ҳар 7 дақиқада бола нобуд бўлади, 5 ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми тўйиб овқатланмаслик натижасида дунёдан кўз юммоқда.

1,3 млрд. киши кунига 1 АҚШ долларидан кам маблағ ҳисобида кун кўришмоқда. Жаҳонда қашшоқ кишиларнинг асосий қисми Жанубий Осиёда яшайди, улардан 522 млн киши бир кунда 1 АҚШ доллар кам маблағларга ҳаёт кечирмоқда.

Африкадаги Саҳрои Кабирнинг жанубидаги бутун минтақа аҳолисининг деярли ярими 46,3 фоизи қашшоқликда яшамоқда.

Жаҳондаги энг бадавлат уч олигархнинг молиявий маблағи энг қашшоқ 48 мамлакатнинг жами ялпи ички маҳсулотидан анча юқори<sup>1</sup>.

Камбағаллик доимий ва вақтинчаликка бўлинади:

Доимий камбағалликка қуйидагиларни киритиш ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади:

-қарилик даврида инсонлар доимий камбағал бўлиб қоладилар. Бундай салбий омилга йўл қўймаслик мақсадида дунёдаги қатор мамлакатларда, жумладан, Белгия, Дания, Нидерландия, Швеция, Норвегия ва бошқа кўп мамлакатларда нафақахўрларга иш ҳақини 95 фоизи миқдорида нафақа олиш қонун асосида таъминланган.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда нафақахўрлар иш ҳақини 37 фоизини нафақа сифатида олишмоқда, мамлакатимизда нафақага чиққанлар ўрта ҳисобда 17 йилга етар-етмас нафақа олишмоқда.

Мамлакатда туғилиш йилига 900 мингдан ошиб бораётганлиги, кўп болалик оилаларга молиявий жиҳатдан болаларни боқиш оғир кечмоқда, айниқса ҳар бир бола туғилгандан бошлаб улар учун ойига коммунал тўловлар ойига тўланмоқда, отани ишсизлиги, онанинг кўлида ҳунарнинг йўқлиги, берилаётган трансфертлар суммасини пастлиги доимий камбағаллар сонини кўпайиш тенденцияси сақланиб қолмоқда.

Вақтинчалик камбағалликни сақланишига турли сабаблар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича:

Аҳолини турли сабаблар билан ишсиз қолиши, корхоналарни банкрот туфайли ёпилиши.

Табиий офатлар, ер қимирлаши, сув тошқини, турли касалликлар, сел келиши, иш жойларини ювиб кетилиши содир бўлганда, ковид ва ҳ.к.

Бозордаги нарх-наволарни ўзгариши, корхона ва ташкилотларга салбий таъсир қилади, ишловчилар ишсиз қолади.

Ўзбекистонда камбағалликни келтириб чиқараётган омиллар қуйидагилардир:

Қарилик, ногиронлик, жароҳат, ёш ўлим.

Оиладаги нотинчлик, ишсизлик, данкасалик, коррупция.

Иқтисодий беқарорлик, пулнинг қадрсизланиши, техника ва технология етишмаслиги, бошқарувни эскичалигича қолаётганлиги.

Қурғоқчилик, сув тошқини, сувнинг етишмаслиги, ўсимликларни кассалланиши.

Ерларнинг ифлосланиши, экологик ҳалокат.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини жон бошига тақсимлашда дунё мамлакатлари орасида 134 ўринда эканимиз, бу ҳолатдан чиқиш учун инновация ва инвестицияларни жалб этиш сиёсатини кучайтириш лозим, замонавий техника ва технологияларни мамлакатга кириб келишига имконият бериш лозим.

Давлат аҳоли даромадларини кўпайтирувчи ҳамда ташаббусқори бўлганлиги туфайли бозордаги нархларни вақти-вақти билан тартибга солиб туриши жаҳон тажрибасида “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш”<sup>1</sup> асосан чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш, солиқлар ва солиққа тортиш, монетар усулларни қўллаш яхши натижа беради, давлат томонидан тартибга солиш механизмида тартибга солишнинг бюджет-солиқ сиёсати муҳим фактор ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадларининг асосий манбалари юқоридагилардан иборат бўлиб, аввало:

Солиқлар, йиғимлар, бож тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлардир.

Мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат ҳисобига ўтган молиявий маблағлар.

Жисмоний ва юридик шахслардан, чет элдан келадиган, қайтарилмайдиган маблағлар.

Чет давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган пул маблағлари.

Давлат бюджети ҳаражатлари таркибидан жорий бюджет трансфертлари муҳим ўрин эгаллаб келмоқда, фақат Ковид пандемиясига қарши 10 трлн.сўм бюджетжан пул ажратилди. Умуман олганда фақат давлат томонидан берилган молиявий ёрдам билан мамлакатда камбағалликни камайтириш бу мавҳум ҳисобланади.

Хорижий ривожланган мамлакатлар аҳолини даромадларини давлат бюджети ҳисобидан ошириш билан бирга улар аҳолини бизнесга сафарбар этиш орқали аҳолини ҳозирги кунда бой-бадавлат яшашини таъминлашга эришганлар.

АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш “Кичик бизнесда инновацион тадқиқотлар дастури” SBIR, Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга асосланган кичик дастурлар қабул қилинган.

АҚШда кичик бизнесга-савдо палатаси, қишлоқ хўжалигидаги турли ассоциациялар, клублар, кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам кўрсатадилар.

Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш аҳолини иш билан банд этиш учун кичик бизнесга тўғридан-тўғри ёрдам бериш йўлга қўйилган. Солиқларни камайтириш, маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш-асосий эътибор қаратиладиган йўналиш ҳисобланади.

Японияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш асосан имтиёзли солиққа тортиш, имтиёзли кредит, ходимларни ўқитиш, банкротликни турли усуллар билан олдини олиш.

Голландияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда, иккита олий ўқув юрти фақат кичик бизнес учун турли йўналишда мутахассислар тайёрлайди, мини корхоналар фонди ташкил этилган, кичик бизнес бўйича қироллик федерацияси сиёсати ўзгача ҳисобланади.

Жанубий Кореяда кичик ва ўрта бизнес маҳсулоти экспорти умумий мамлакат экспортида 30 фоизни, 50 млрд АҚШ долларига тенгдир. Кредит банклари ўз қарзларини 30 фоизини кичик бизнесга беришга мажбур.

Хитойда солиқ ва молиявий сиёсат инвестицияларни кўпайтириш, кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Қишлоқ хўжалиги, посёлка саноати деб номланган кичик ва хусусий ишлаб чиқариш тез ривожланди. Хитойда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни 70 фоиз, тайёр кийим-кечакларнинг 40 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 80 фоизини кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизими яратилган, улар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган:

КБ (кичик бизнес) ва ХТ (хусусий тадбиркорлик) субъектларини ҳисобга олиш.

Солиқ имтиёзлари бериш.

Божхона имтиёзларини кўрсатиш.

Давлат хариди тизими.

Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.

КБ ва ХТ фаолияти эркинликлари ва кафолатларини ҳуқуқий ҳимоялаш.

Суғурталаш кафолати.

Хорижий инвестицияларни киритиш.

Информация билан таъминлаш.

Хом-ашё ва хизматлар таъминоти.

Экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш.

Давлат бошқарув органи кичик бизнесни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга молиявий ёрдам беришни ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий корхоналари эгаларини маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқишга имкониятлар яратиб бериш.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат органларини ўз ваколатлари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудий дастурларни ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоялашни қўшимча кафолатларини белгилайди.

Қонун ҳужжатларига биноан солиқ имтиёзларини белгилайди.

Давлат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни, янги технология, техникани киритишга имкониятлар яратиб бермоқда.

Экспорт-импорт халқаро кўرғазмалар, ташқи иқтисодий фаолиятдаги дастурларни ишлаб чиқиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий-иқтисодий, илмий-техник ва ахборотлар билан таъминлашга қўмаклашади.

Айниқса, солиқлар, мажбурий тўловлар, бојхона имтиёзлари ва преференциялар белгилашда имтиёзлар белгилаб беради.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун, ҳунармандчиликни ривожлантириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кредитлар ажратишни такомиллаштириш керак.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш фаолиятига жалб этиш бўйича корхоналар, маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географиясида миндан ортиқ корхоналар янги бозорга кириб, Беларусь, Болгария, БАА, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Синегал, Самали, Нигерия, Швеция, Руминия, Туркия, Индонезия, Молдавия, Азарбайжон, Польша, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатлар Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиб олмақдалар. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасини фаолияти янада самарали бўлмоқда.

Давлатимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги асосий мақсади аҳолини камбағалликдан қутқариш, инсонларни фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдир. Давлат бозор шароитида аҳолини қонуний даромадлар олиши учун ҳамма имкониятларни яратиб берганлиги туфайли аҳоли даромадларини структураси кенгайди:

-бозор даромадлари.

-меҳнат туфайли олинган даромад.

-мулкдор бўлган мулк эгаси сифатида олинган даромадлар.

-акциядан келадиган дивидентлар.

-воситачилик ёки даллолликдан келадиган даромадлар.

-мамлакат бюджетидан келадиган иш ҳақи.

-хусусий корхоналар тўлайдиган иш ҳақи.

-камбағал, муҳтож, қашшоқ аҳоли табақаларига берилаётган трансферт ёрдамларни келтириш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳолати” 2023 йил январ-март ойлари яқунлари бўйича чоп этилган асосий статистик кўрсаткичларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришилган:**

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилиш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага бераётган катта эътибор натижасида 2019-2023 йилларнинг январ-март ойлари давомида жами 127 781 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп янги субъектлар савдо соҳасида-49048 (ёки 38,4%)та, хизматлар соҳасида-28416 (ёки 22,2%)та, саноат соҳасида-24612 (ёки 19,3%)та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида-16605 (ёки 13,0%)та ва қурилиш соҳасида-9100 (ёки 7,1%)та ташкил этган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар даври	Ўлчов бирлиги	Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони	Соҳалар									
			савдо		хизматлар	саноат			қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик		қурилиш	
			сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	сон	фоиз	сон	фоиз
2019-2023 йил 1-чорак	бирликда	127781	49048	38,4	28416	22,2	24612	19	16605	13	9100	7,1



Кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларининг 2018-2023 йилларнинг январ-март ойларида ЯИМ даги улуши динамикаси қуйидагича бўлган:

Кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларининг 2018-2023 йилларнинг январ-март ойларида ЯИМ даги улуши						
Йиллар	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Фоизда	48,9	46	47	46,7	44,5	43,7

2023 йилнинг 1-чорагида ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 43,7 фоизни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 0,8 фоизга камайган, камайишнинг асосий сабаби, йирик тадбиркорлик субъектларида қўшилган қиймат ҳажмининг ошиши билан ифодаланади.

2023 йилнинг январ-март ойларида кичик (бизнес) тадбиркорликнинг энг энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигида 96,1 фоизни, йўловчи айланмасида 95,2 фоизни, йўловчи ташишда 92,9 фоизни, чакана савдода 82,8 фоизни, қурилишда 76,6 фоизни, юк айланмаси 69,7 фоизни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларининг энг кўп ЯИМ даги улуши Жиззах вилояти (72,6 фоиз), Сурхондарё вилояти (68,9 фоиз), Самарқанд вилояти (66,8 фоиз), Бухоро вилояти (66,5 фоиз) ва Хоразм вилояти (64,8 фоиз) хиссасига тўғри келади. Навоий вилоятида (21,8 фоиз) ЯИМ ги ҳажми энг паст кўрсаткичи қайд этилган.

2023 йилнинг январ-март ойларида кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 38829,7 млрд.сўмни ёки жами қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг 96,1 фоизини ташкил этган, ўсиш суръати 2022 йилнинг тегишли даврига нисбатан 102,9 фоизни ташкил қилган.

Худудлар кесимида кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларининг энг кўп ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми Самарқанд (4749,1 млрд.сўм), Тошкент (4501,7 млрд.сўм), Бухоро (3703,1 млрд.сўм), Хоразм (3268,7 млрд.сўм), Фарғона (3265,9 млрд.сўм) ҳамда Қашқадарё (3230,8 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилган.

Кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги ҳажмининг 2018-2023 йиллар январ-март ойларида ЯИМ даги улуши динамикаси қуйидагича бўлган:

Кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги ҳажмининг 2018-2023 йилларнинг январ-март ойларида ЯИМ даги улуши						
Йиллар	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Фоизда	16,7	19,7	24,5	29,0	32,5	38,8

Ҳозирги бозор шароитида сақланиб келаётган ноқонуний даромадлар ҳам кўзга ташланади:

1. Аввало солиқлардан яширилган даромадлар.

2. Эгаллаган лавозими, пинхона яратилган имтиёзлар, пора, совға, пул ва натурал шаклда берилаётган моддий қўллаб-қувватлашлар.

3. Кўча бўйича турли ғайриқонуний усулларни қўллаб, тадбиркор, бизнесмен, фермер ва турли мустақил даромад топувчилардан зўрлик, қўрқитиш орқали олинадиган даромадлар ҳам жамиятда мавжуд.

**Хулоса ва таклифлар**

Даромадларни кўпайтириш давлат олиб бораётган ижтимоий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади, давлат бизнесменларга кенг имкониятлар яратиб беради, мулк дахлсизлиги, аҳоли олаётган даромадларини давлат муҳофаза қилиши таъминланади, солиқларни пасайтириш, турли шаклдаги хизматларга аҳолидан олинаётган тўловларни камайтириш, аҳолини камбағаллашувини камайтириш усуллари билан бири бўлиб ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини шакллантириш жараёнида аввало солиқларни тўлаш, ижтимоий жамғармаларга маблағлар ўтказиш, аҳолига турли трансфертлар асосида мувозанатли-муносабатларнинг мавжудлиги, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси даромадлари ўртасидаги тафовутнинг юқорилиги, аҳоли даромадларини оширишда бозор омилларига етарли даражада эътиборнинг мавжуд эмаслиги ва бошқа омиллар.

Мавжуд муаммоларнинг самарали ечими аҳоли даромадлари шаклланишида бозор ва нобозор омилларидан мақсадли фойдаланиш йўналишларини ташкил этишни талаб этади. Бу борада жаҳон тажрибасига суяниш, унинг самарали натижаларини амалиётга жорий этиш ижобий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитидан келиб чиқадиган бўлса, мамлакатимизда Хитой тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Боев Х.И. Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялашни бошқариш орқали камбағалликни камайтириш. Тошкент-2022й.

2. "Халқ сўзи" газетаси 2024й 7 июн.

3. Абдулқосимов Х.П. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш. Тошкент-2018й

4. Жаҳон банкининг 2024 йил 9 майда "Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш йўли: халқаро таққослаш дастури хулосалари" ҳисоботи.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг "Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳолати" 2023 йил январ-март ойлари яқунлари бўйича чоп этилган асосий статистик кўрсаткичлари.

6. Бергер А., Удалов В., Бизнес кредиты и их влияние на малый и средний бизнес. Москва: Издательство «Экономика и финансы», 2015.

